

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

347 Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди-
га амалда олиб келиниши пайтигача божхона орган-
ларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тар-
тиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-1*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига (Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда)
мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор
қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил
28 январдаги 01-02/12-9-сон қарори (рўйхат рақами 2418, 2013 йил 30 ян-
варь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон,
63-модда) билан тасдиқланган Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона
ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки
божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомга иловага
мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 22 июнь,
01-02/12-11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил
22 июндаги 01-02/12-11-сонли қарорига
ИЛОВА

**Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига
амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига
дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби
тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Дастлабки божхона декларацияси (кейинги ўринларда — ДБД деб юритилади) товарларни божхона ҳудудига етиб келгунига қадар декларациялаш бўлиб, у декларантнинг хошишига кўра қўлланилиши мумкин.».

2. 6-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Агарда ДБДда кўрсатилган товарлар декларацияни қабул қилган божхона постига декларация қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз календарь куни ичида тақдим этилмаса, у топширилмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолларда ДБД бекор қилинади.».